

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ ФАРҲОД АРИФЖАНОВИЧ

**МУРАККАБ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВИ**

**05.01.08 –Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Technical Sciences**

Эргашев Фарход Арифжанович

Мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларнинг
такомиллаштирилган бошқаруви3

Эргашев Фарход Арифжанович

Усовершенствованное управление сложными технологическими процессами
и производствами25

Erashev Farkhod Afifjanovich

Advanced control of complex technological processes and industries47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВ ФАРҲОД АРИФЖАНОВИЧ

**МУРАККАБ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВИ**

**05.01.08 –Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Бекмуратов Тулкун Файзиевич**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Абдурахманова Юлдуз Мухтарходжаевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **«Ximavtomatika» МЧЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Ф.Т.Адилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Ж.У.Севинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент

Х.З.Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларда автоматик бошқариш тизимларини рақамли ҳисоблаш техника воситаларини тизимли, схематик, конструктив ривожлантириш орқали мураккаб тизимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда бошқариш тамойилларидаги стратегик ўзгаришлари алгоритм структурасига мос равишда унинг таркибий қисмига таъсир кўрсатмайдиган ва технологик режимларнинг таҳлиллари ҳамда объектнинг жорий ҳолатини мониторинглаш негизда кетма-кет коррекцияловчи усуллар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада ривожланган давлатлар жумладан, АҚШ, Германия, Швейцария, Франция, Япония ва бошқа давлатларда APC-технологиялар, бошқариш ва оптималлаштиришнинг илғор технологияларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда мураккаб технологик жараёнларни бошқариш тизими элементлари, бошқариш занжирлари, интеграциялаш воситаларининг сифат кўрсаткичлари, тавсифларини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилиб, янги математик моделлар доирасида уларнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада, жумладан, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича автоматлаштирилган тезкор тизимларни яратиш, ажратиш жараёнининг динамикаси учун модель тузиш, ноаниқ мантик усуллари асосида жараённи ноаниқ вазиятли бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ажратиш жараёнини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимларини (APC–Advanced Process Control) ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга динамик бошқариш объектларини тузилмавий-параметрик идентификациялаш, технологик бошқариш объектларининг ҳалақит таъсирлар параметрларини тезкор баҳолаш, калман типдаги модификацияланган квазиоптимал ноаниқ филтёр кўринишидаги объектнинг ҳолатини максимал аслига ўхшашлик мезони бўйича баҳолайдиган баҳолагич, ўз-ўзидан созланадиган бошқариш тизими объектнинг функционал тасвирлаш, қабул қилувчи элемент, ижро қилувчи механизм ва бошқариш қурилмасини моделлаштириш зарур ҳисобланмоқда.

Республикада ҳозирги кунда мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни тузилмавий-параметрик синтезлаш, оптималлаштириш ва оптимал бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, мураккаб кимё-технология

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони

жараёнлари ва тизимларини тузилмавий-параметрик таҳлил қилиш ва синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш асосида технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришлар муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3365-сон «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига м ослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни АРС-такомиллаштирилган бошқариш масалалари бўйича дунёдаги етакчи илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари, жумладан, University of California ва Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), “Alstom” (Франция), University of Munster (Германия), Imperial College London (Буюк Британия), Osaka University и Tokyo Institute of Technology (Япония), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), Озарбайжон давлат неаъ академияси (Озарбайжон), Д.И. Менделеев номили Россия кимё-технология университети (РФ), МДТУ (РФ), “Simatek Energo” (Беларусь), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон)да кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни такомиллаштирилган бошқаришни тузилмавий ва параметрик синтезлаш муаммосини ҳал қилишга L.A.Zadeh, R.A.Aliev, E.H.Mamdani, M.Sugeno, T.Tagaki, H.Tanaka, R.R.Yager, I.B.Turksen, Д.А.Поспелов, И.З.Батыршин, В.В.Кафаров, В.П.Мешалкин, В.Л.Перов, А.Н.Аверкин, А.Ф.Егоров, А.П.Ротштейн, В.С.Балакирев, Э.А.Софиев, А.М.Цирлин, Е.Г.Дудников, Д.Рутковская, В.Б.Тарасов, Р.А.Гостев, А.И.Бояринов, В.Н.Ветохин, В.В.Бугровский, М.Р.Васюхин, А.О.Недосекин, Н.Н.Ястребова, Е.З.Демиденко каби хорижлик етакчи олимлар ва республикамиз олимларидан В.К.Кабулов, Д.А.Абдуллаев, Ф.Б.Абуталиев, М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Т.Д.Раджабов, Н.Р.Юсупбеков, Х.З.Игамбердиев, К.Р.Аллаев, Р.А.Захидов, Н.У.Ризаев, З.Салимов, Э.М.Алиев, С.С.Касымов, Б.А.Захидов, А.А.Кадыров, О.О.Зарипов ва бошқа олимлар салмоқли ҳисса

қўшган.

Бироқ охириги йиллар мобайнида барабанли-грануляцион қуритиш қурилмасидаги минерал ўғитларни грануляциялаш ва қуритиш технологик жараёнлари мураккаблашиб, ушбу жараёнларнинг такомиллаштирилган бошқариш тизимларини яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-4-56-сонли «Мураккаб технологик объектларнинг интеллектуал бошқариш системаларини қатъиймас тўпламларни тасвирлаш асосида структурали параметрик синтезлашнинг назарий асосларини ва усулларини ишлаб чиқиш» (2012–2016) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аммофос ишлаб чиқаришда барабанли-грануляцион қуритиш қурилмаси мисолида технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни АРС-такомиллаштирилган бошқариш тизимларини тузилмавий-параметрик синтезлаш усули ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

объект кириши ва чиқишидаги шовқинлар ва ҳалақит таъсирида мавжуд бўлганда технологик жараёнларнинг чизиқли-айирмали тенгламалар тизимлари билан ифодаланадиган параметрларини идентификациялаш ва баҳолаш;

ўлчаш ҳалақит таъсирларини мослашувчан динамик филтрлаш процедураси асосида оператив башоратлаш ва башоратлайдиган филтрнинг ахборот хусусиятлари ва тавсифларини тадқиқ қилиш;

калман типидagi модификацияланган филтр таркибида қатъиймас интеллектуал баҳолагични синтез қилиш;

қўшимча ахборот каналларига эга бўлган бошқариш тизимларида ростлагичларнинг сошлаш параметрларини ҳисоблаш;

аммофос ишлаб чиқаришда барабанли-грануляцион қуритиш қурилмаси мисолида мураккаб технологик мажмуаларни АРС-такомиллаштирилган бошқариш тизимларини синтезлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида барабанли-грануляцион қуритиш қурилмасидаги минерал ўғитларни грануляциялаш ва қуритиш технологик жараёнларининг мураккаб такомиллаштирилган бошқариш тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни АРС-такомиллаштирилган бошқариш тизимларини таҳлил қилиш, синтезлаш усули ва алгоритмлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мураккаб кимё-технология жараёнлари ва тизимларини тизимли таҳлил қилиш усуллари, замонавий автоматик бошқариш назариясининг усуллари, бошқариш тизимларини тузилмавий-параметрик таҳлил қилиш ва синтезлаш усуллари, кимё-технология жараёнлари ва тизимларини математик моделлаштириш ва

оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қидиришларсиз ўз-ўзидан созланадиган бошқариш тизимининг объект функционал тасвирланиши, қабул қилувчи элемент (намлик датчиги), ижро қилувчи механизм ва бошқариш қурилмаси кўринишидаги модели ишлаб чиқилган;

априор ноаниқлик шароитларида кириш ва чиқиш сигналлари бўйича кузатиш ҳалақитлари мавжуд бўлганда динамик бошқариш объектларини структуравий-параметрик идентификациялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

башоратловчи фильтрларнинг ахборот тавсифлари таҳлили асосида технологик бошқариш объектларини тезкор баҳолаш ва ўлчаш ҳалақитларининг кўп қадамли фильтрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

объектнинг ҳолатини максимал аслига ўхшашлик критерийси бўйича баҳолайдиган кўп ўлчамли объектнинг ҳолатини кальман типигади модификацияланган квазиоптимал ноаниқ фильтр кўринишидаги баҳолагич ишлаб чиқилган;

аммофос ишлаб чиқаришда пульпани қуритиш ва гранулалаш жараёнини АРС-такмиллаштирилган бошқариш тизими синтезланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи ўлчаш маълумотларини текислаш, баҳолаш ва фильтрлаш учун қатъиймас лингвистик ўзгарувчилардан фойдаланиш билан шовқинлар ва ўлчаш ҳалақит таъсирларини мослашувчан динамик фильтрлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кўп ўлчамли технологик объектларни бошқариш сифатининг кўрсаткичларини акс эттирувчи самарадорлик мезонлари асосида бошқаришнинг турли қонунларини амалга оширадиган ростлагичли бошқариш тизимларини параметрик оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги классик математик аппаратнинг қўлланишига асосланган ва назарий натижаларнинг мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни такомиллаштирилган бошқариш АРС-системалари маълум прототипларини ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мувофиқлиги, саноат-синов тажрибалари натижаларининг ижобийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда чизиқли динамик, шу жумладан, кўп ўлчамли объектларни такомиллаштирилган бошқаришнинг янги усул ва алгоритмларини ишлаб чиқилгани билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятга моликлиги, шунингдек, ишда таклиф этилган такомиллаштирилган бошқариш системалари қондаси асосида амалга оширилган тарқоқ бошқариш системалари функционал имкониятларини кенгайтирувчи технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни АРС-такмиллаштирилган бошқариш тизимини усул ва алгоритмлари амалий апробациядан ўтганлиги, ҳамда технологик жараёнлар

ва ишлаб чиқаришларни АРС-такомиллаштирилган бошқариш тизимини ишлаб чиқишда тадқиқот натижаларини қўллаш имкони борлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф қилинаётган кўп ўлчамли чизикли-айирмали объектларни параметрик идентификациялаш, шовқинлар ва ўлчаш ҳалақит таъсирини мослашувчан динамик филтрлаш, тизимларни тезкор-башоратли моделлаштириш ва ростлагичларнинг шайлаш параметрларини аниқлаш муҳандислик услубиятлари қайишқоқлик ва универсалликка эга ҳамда индустриал автоматлаштиришнинг замонавий тизимларини амалга ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни такомиллаштирилган бошқариш АРС-системаларини ташкилий-параметрик анализ ва синтези бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қатъиймас муҳитда шовқин ва ғалаёнларга дучор бўлган бошқариш объектини баҳолаш учун модификацияланган синтезланган кальман филтрлаш алгоритми “Аммофос-Максам” АЖда жорий қилинган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2018 йил 15 октябрдаги 03-4562/А-сон маълумотномаси). Натижада динамик бошқариш объектнинг ҳолатини ҳақиқатга яқин оптимал баҳолашга эришилган;

кўп ўлчамли технологик объектларни бошқариш сифатининг кўрсаткичларини акс эттирувчи самарадорлик мезонлари асосида бошқаришнинг турли қонунларини амалга оширадиган ростлагичли бошқариш тизимларини параметрик оптималлаштириш усуллари “Аммофос-Максам” АЖда амалий жорий қилинган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2018 йил 15 октябрдаги 03-4562/А-сон маълумотномаси). Натижада ростлагичлар ва ўтиш жараёнини берилган сўниш даражасида таъминловчи дифференциаторни оптимал созлаш параметрларини ҳисоблаш имкони яратилган;

аммофос ишлаб чиқаришнинг қуритиш ва кальций-сулфат пульпасини гранулалаш технологик жараёнини бошқариш усуллари ҳамда алгоритмлари ва ростлагичларни оптимал параметрларини созлашни ҳисоблаш усули “Аммофос-Максам” АЖда жорий қилинган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2018 йил 15 октябрдаги 03-4562/А-сон маълумотномаси). Натижада аммофос ишлаб чиқаришда барабанли гранулалаш-қуритишда содир бўладиган технологик жараёнларнинг кўрсаткичларини яхшилаш ва харажатларни сезиларли даражада қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-техник анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро анжуман маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 11 таси ЎзР ОАК рўйхатидаги журналларда, жумладан 9 та мақола халқаро журналларда нашр қилинган. Дастурий маҳсулотга 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни АРС-такомиллаштирилган бошқариш тизимларини тузилмавий-параметрик синтезлаш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида концепциянинг мазмуни ва моҳияти – технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни такомиллаштирилган бошқаришнинг мазмуни ва моҳияти очиб берилган, тузилмавий ва параметрик синтезлаш, параметрик оптималлаштириш ва технологик бошқариш объектларининг ҳолатини ростлагичларни шайлаш услублари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш услубияти таҳлил қилинган.

Индустриал автоматлаштириш тизимларининг эволюцияси тизимлар ва бошқариш воситаларининг ривожланишининг бир қатор тенденцияларини қўйидагича ажратиш имконини беради:

дала автоматикаси учун саноат тармоқларининг кенг тарқалиши;

“бирламчи ўлчагич қайта шакллантиргич – бошқариш қурилмаси – қайта шакллантиргич – ижро қилиш механизми” занжири бошқариш объектининг ўзида туташганда дала автоматикаси воситаларини синхрон равишда такомиллаштириш билан дала ростлагичларининг яратилиши;

“Софт-Компьютинг” технологиясининг пайдо бўлиши, унинг асосий тамойили шундай ҳолат бўлиб ҳисобланадики, маълумотларга ишлов беришда ноаниқлик, мавҳумлик ва қисман ҳақиқатга йўл қўйиш билан ифодаланувчанликка (сифатли рамзли ёки лингвистик шаклда ифодалаш), қайсарликка (қўполлик ва амал қилмайдиган қўзғатишларга нисбатан барқарорлик) эришиш мумкин;

математик моделларнинг такомиллашиши ва уларнинг сифатининг ортиши:

уларда қайта ишланадиган хомашё, ёрдамчи материаллар ва ярим фабрикатлар хусусиятларининг тасодикий характери, технологик асбоб-ускуналар тавсифларининг дрейфи ҳисобга олинадиган моделлардан фойдаланиш;

қайта ишланадиган хомашё, ёрдамчи материаллар ва ярим фабрикатлар хусусиятларининг тасодикий характери, технологик асбоб-ускуналарнинг дрейф тавсифлари ҳисобга олинадиган моделлардан

фойдаланиш;

хомашё, ярим фабрикалар компонентлари таркибини башоратлашга мослашувчан моделлари ва бажарилган башоратлар асосида уларнинг оптимал таркибини ҳисоблаш усулларида фойдаланиш;

ростлагичларнинг оптимал ўрнатмаларини ҳисоблаш ҳамда моддий ва энергетик оқимларни барқарорлаштириш;

технологик объектлар занжирини гуруҳли бошқариш назариясини ишлаб чиқиш;

радиочиқишга эга бўлган рақамли датчикларнинг янги моделларининг пайдо бўлиши;

объект ва бошқариш масалаларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда самарадорликнинг глобал мезони бўйича автоматлаштириш масаласи сифатида бошқаришни комплекс шакллантириш билан боғлиқ бўлган автоматлаштирилган тизимларни интеграциялаш.

такмиллаштирилган бошқариш алгоритмларининг ишлаб чиқилиши бир пайтнинг ўзида оддий диспетчерлаштириш ва техник-иктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашдан тортиб то ресурсларни режалаштириш муаммоларигача асосий функцияларни амалга оширадиган MES (Manufacturing Execution System) стандарти учун тезкор бошқариш тизимларини куриш бўйича қарорларни шакллантириш билан SCADA (Supervisory Control and Data Acquisition) ва DCS (Distributed Control System) технологияларига бўлинадиган одам-машина интерфейси концепциясини дунёга келтирган;

тармоқ архитектурасининг маҳаллий ҳисоблаш тизимларини яратиш, дастурлаштириладиган контроллерларнинг маҳаллий тармоғида ишлашга қобилиятли бўлган компенсациялаш воситалари билан таъминланган марказдан узоқлаштирилган тақсимланган рақамли бошқариш тизимларини амалга ошириш. Саноат автоматлаштириши тизимларини ривожлантириш йўналишларининг бутун жамланмаси, табиийки, юқорида санаб ўтилган тенденциялар билан чекланиб қолмайди албатта, бироқ бу тенденциялар яқин келажак учун устувор тенденциялар бўлиб ҳисобланади.

“Кириш ва чиқишда ҳалақит таъсириларга эга бўлган чизиқли динамик объектларни тузилмавий-параметрик идентификациялаш” деб номланган иккинчи бобда ички ва ташқи кўзғатувчи таъсирлар мавжуд бўлганда, ҳалақит таъсирларнинг тақсимланиш қонунлари номаълум бўлганда кўп ўлчамли чизиқли технологик объектларни идентификациялаш алгоритми тадқиқ қилинган. Энг кенг тарқалган бошқариш объектларидан бири сифатида чизиқли-айирма тенгламаси кўринишидаги модель аниқланади, унинг тузилиши ва параметрларини аниқлаш етарлича мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Киришдаги $\zeta(i)$ ва чиқишдаги $\zeta_i(i)$ кирувчи ва чиқувчи параметрлар аддитив шовқинлар ва ҳалақит таъсирлар билан дискрет вақтда кузатиладиган кўп ўлчамли чизиқли-айирма тенгламасига мурожаат қиламиз:

$$z_i - \sum_{m=1}^r b_0^{(m)} z_{i-m} = \sum_{j=1}^d \sum_{m=0}^{r_j} a_0^{(mj)} x_{i-m}^{(j)}, \quad (1)$$

$$y_i = z_i + \zeta_1(i), \quad w_i^{(j)} = x_i^{(j)} + \zeta^{(j)}(i), \quad (2)$$

$y_i, w_i^{(j)}$ бўйича a, b векторларнинг параметрларини, шунингдек, кириш ва чиқиш бўйича r ва r_j тартибларни аниқлаш талаб қилинади.

Баҳолаш мезони \tilde{B} кўплик (унга объект параметрларининг ҳақиқий қийматлари априор тарзда тегишли бўладиган) ихчам бўладиган, $\{x_i^{(1)}, \dots, x_i^{(d)}\}$ эса $\{\xi(i)\}, \{\xi^{(j)}(i)\}, j = \overline{1, d}$ га статистик боғлиқ бўлмайдиган; $\xi(i), \xi^{(j)}(i), j = \overline{1, d}$ ҳалақит таъсирлар эса статистик мустақил бўлган ва

$$E(\xi_1(i+1) / \xi_1(i_0), \dots, \xi_1(i)) = 0 \text{ п.н.}, \quad (3)$$

шартга бўйсунадиган шартларда (бунда E – математик кутилиш оператори: $E(\xi_1^2(i+1) / \xi_1(i_0), \dots, \xi_1(i)) \leq h$. h ва $h^{(j)}$ – тасодифий катталиклар) кучли ҳолат баҳоларини олиш имконини беради;

$$\begin{aligned} x_{r_j}^{(j)} &= (x_i^{(j)} \dots x_{i-r_j}^{(j)})^T, \quad z_r(i) = (z_{i-1} \dots z_{i-r})^T; \\ E(h) &\leq \pi < \infty; \quad E((\xi_1)^4(i)) \leq \pi_1 \text{ п.н.}; \\ E(\zeta^{(j)}(i+1) / \zeta^{(j)}(i_0), \dots, \zeta^{(j)}(i)) &= 0 \text{ п.н.}; \\ E((\zeta^{(j)})^2(i+1) / \zeta^{(j)}(i_0), \dots, \zeta^{(j)}(i)) &\leq h^{(j)}, \\ E(h^{(j)}) &\leq \pi^{(j)} < \infty; \quad E(\zeta^{(j)}(i)) < \pi^{(j)} 1 < \infty. \end{aligned}$$

Кирувчи ўзгарувчилар қуйидаги шартларга жавоб беради:

$$N^{-1} \sum_{i=i_0}^N \left(z_r^T(i) : (x_{r_1}^{(1)}(i))^T : \dots : (x_{r_d}^{(d)}(i))^T \right)^T \times z_r^T(i) : \dots : (x_{r_d}^{(d)}(i))^T \Big|_{N \rightarrow \infty} \text{п.н.н} \quad (4)$$

Сўнгра катталиқнинг ўртача қийматини минималлаштириш амалга оширилади:

$$e^2(b^{(m)}, a^{(mj)}) = \left[y_i - \sum_{m=1}^r b^{(m)} y_{i-m} - \sum_{j=1}^d \sum_{m=0}^{r_j} a^{(mj)} w_{i-m}^{(j)} \right]^2. \quad (5)$$

Объектнинг кириш ва чиқишида шовқинлар ҳамда кузатиш ҳалақит таъсирлари шароитларида чизиқли-айирма тенгламаларининг параметрларини солиштирма баҳолашда йўқотиш функцияларини энг кичик квадратлар услуги ва инструментал ўзгарувчилар рекуррент услуги бўйича кейинги инструментал ўзгарувчилар векторини танлаш билан таққосланган

$$\psi_i = \left| y_{i-r-1} \dots y_{i-2r} \quad \Big| \quad w_{i-r_1}^{(1)} \dots w_{i-2r_1}^{(1)} \quad \Big| \quad \dots \quad \Big| \quad w_{i-r_d}^{(d)} \dots w_{i-2r_d}^{(d)} \quad \Big| \right|^T;$$

Шунингдек, О.А. Кацюба томонидан таклиф қилинган

$$\min_{\left(\frac{b}{a} \right)} \omega^{-1}(b, a^{(1)} \dots a^{(d)}) U_N(b, a^{(1)} \dots a^{(d)}), \quad (6)$$

мезони бўйича йўқотиш функциялари таққосланган, бунда

$$U_N(b, a^{(1)} \dots a^{(d)}) = \left(Y - A_{Y,w} \left(\frac{b}{a} \right) \cdot Y - A_{Y,w} \left(\frac{b}{a} \right) \right),$$

(.,.) – скаляр кўпайтма;

$$\omega(b, a^{(1)} \dots a^{(d)}) = \bar{\sigma}_1^2 \left[1 + b^T b + \gamma^{(1)} (a^{(1)})^T a^{(1)} \dots \gamma^{(d)} (a^{(d)})^T a^{(d)} \right],$$

$\bar{\sigma}_1^2$ – кузатиш ҳалақит таъсирларининг ўртача дисперсияси $\xi_1(i); (\bar{\sigma}^{(j)})^2$ - кузатиш ҳалақит таъсирининг ўртача дисперсияси $\xi_2^{(j)}(i), \gamma^{(j)} = \frac{(\bar{\sigma}^{(j)})^2}{\bar{\sigma}_1^2};$

$$a = (a^1 \dots a^d)^T, a^{(j)} = (a^{0,j} \dots a^{r_j,j})^T, b = (b^1 \dots b^r)^T, Y = (y_1 \dots y_N)^T$$

$$A_{y,w} = \begin{vmatrix} y_0 & \dots & y_{1-r} & | & w_1^{(1)} & \dots & w_{1-r_1}^{(1)} & | & & | & w_1^d & \dots & w_{1-r_d}^{(d)} \\ \vdots & & \vdots & | & \vdots & & \vdots & | & \dots & | & \vdots & & \vdots \\ y_{N-1} & \dots & y_{N-r} & | & w_N^{(1)} & \dots & w_{N-r_1}^{(1)} & | & & | & w_{N-1}^d & \dots & w_{N-r_d}^{(d)} \end{vmatrix}.$$

Кўп ўлчамли чизиқли стационар технологик объектларни идентификациялаш алгоритми ўзида эвристик қидириш алгоритмини тақдим қилади, у регрессион баҳолашнинг стандарт масаласидан қидириладиган ўзгарувчиларни тасодифий танлаш, вариациялаш ва комбинациялаш ҳисобига параметрларнинг ҳолат баҳоларини олиш имконини берадиган иккита квадратик формаларнинг муносабати базасида баҳолаш мезонини қўллаш билан фарқ қилади. Алгоритмларнинг ишлаши моделлаштиришнинг нисбий хатолиги бўйича таққосланган:

$$\delta z_N = \sqrt{\|\hat{z} - z\|^2 / \|z\|^2} \cdot 100\%, \quad (7)$$

бунда $z = |z_1, \dots, z_N|^T$ – чиқувчи ўзгарувчининг вектори, $\hat{z}_N = |\hat{z}_1, \dots, \hat{z}_N|^T$ - шу векторнинг баҳоси.

Дисертациянинг учинчи боби “**Ўлчаш маълумотларини башоратлаш билан мослашувчан филтрлаш услублари**”ни кўриб чиқиш, шунингдек, ўлчанадиган катталикларни ҳалақит таъсирилари ва шовқинлардан мослашувчан, реал вақтда қадам-бақадам аниқлашадиган баҳоларни олишни таъминлайдиган динамик филтрлаш, уларга муҳандислик ишлов бериш услублари ва алгоритмларини яратишга бағишланган. Маълумотларга ишлов беришнинг бошқариш тизимларининг тавсифларининг априор мавҳумлигини (аддитив ва мультипликатив хатолар билан бир қаторда) ҳисобга олишни таъминлайдиган мослашувчан алгоритмларни куриш масалалари кўриб чиқилган. Умумий ҳолатда стохастик башоратлаш масаласи t^* дан олдин келадиган қандайдир бир вақт моментлари кўплигидаги қийматлар бўйича t^* вақт momentiда тасодифий жараённинг қийматини баҳолашдан иборат бўлади.

Стохастик жараённинг тавсифларини қисқа муддатли тезкор башоратлаш масаласини кўриб чиқамиз. Айтайлик, i вақт momentiда унинг ҳолати n -ўлчамли $x(i = \overline{1, l})$, тасодифий вектор билан тасвирланиши мумкин бўлган жараён мавжуд бўлсин, j вақт momentiда уни кузатишни ҳолат вектори билан стохастик боғланган m -ўлчамли $\bar{z}(j = \overline{1, k})$, вектор кўринишида тақдим қилиш мумкин бўлсин. Айтайлик, $\bar{z}(j = \overline{1, k})$, кузатишлар кетма-кетлиги мавжуд бўлсин, \hat{x}_s векторни бевосита ўлчаб

бўлмайдиган шароитда берилган қандайдир бир s - вақт momentiда \hat{x}_s ҳолат векторининг баҳосини аниқлаш талаб қилинади. Бу вектор ҳам худди \bar{z}_j кузатиш вектори каби статистик боғланганлиги сабабли, \bar{x} нинг траекторияси баҳосини \bar{z} кузатишлар бўйича бериш мумкин. Мумкин бўлган баҳолардан \bar{x} нинг траекториясига энг яқин бўладиган \hat{x} , баҳолаш траекториясини берадиганини танлаш зарур бўлади. \hat{x}_s билан кузатишлар асосида олинган баҳони белгилаймиз:

$$\hat{x}_s = \bar{\varphi}_s(\bar{z}, j = \overline{1, k}). \quad (8)$$

Масала қандайдир бир рационал ва асосланган усул билан $\bar{\varphi}$ функцияни аниқлашга келтирилади. Агар $s < k$, бўлса, интерполяциялаш (текишлаш) масаласи ўринли бўлади, агар $s = k$, бўлса, у ҳолда бизнинг олдимизда филтрлаш масаласи туради, $s > k$ бўлса – масала ўзида олдиндан айтиш (башоратлаш) масаласини тақдим қилади. Технологик жараёнларнинг параметрларини башоратлашни тасодикий жараёнларни филтрлаш масаласи ва экстраполяциялаш масаласини кетма-кет ечиш билан амалга ошириш мумкин. Биринчи типнинг процедураларини таҳлилий конструкциялаш Кальман-Бьюси филтрлари номи билан маълум бўлган кетма-кет алгоритмлардан фойдаланишга асосланади. Ишда қуйидаги тизим олинган:

$$\bar{x}^+ = \hat{x}_i + F_i(\bar{z} - D_i \hat{x}_i); F_i = K_i D_i^T (R_i + D_i K_i D_i^T)^{-1}; K_i^T = K_i - K_i D_i^T (R_i + D_i K_i D_i^T)^{-1} D_i K_i, \quad (9)$$

У K_i^T ковариацион матрица изининг минимуми билан умумлаштирилган хатолар дисперсиясининг минимуми бўйича башоратлаш параметрларини оптимал баҳолашни таъминлайдиган Калманов типигади филтрни тасвирлайди. Ҳолат векторининг оптимал баҳосини берадиган ушбу дискрет филтр асосида тадқиқ қилинадиган жараёнларнинг кузатилмайдиган параметрларини башоратлаш алгоритми қурилган.

Кузатиш i -моментгача ўтказилган деб тахмин қилиш билан (9) асосида \hat{x}_i ҳолат вектори ва K_i^T ковариацион хатолар матричасининг оптимал баҳоларини олиш мумкин. i вақт momentiда \bar{z} н ўлчаш амалга оширилади, у фазавий ҳолат вектори билан қуйидаги вектор тенгламаси орқали боғланади:

$$\bar{z}_i = D_i \bar{x}_i + \bar{\delta}_i, \quad (10)$$

бунда \bar{z}_i - $(m \times 1)$ ўлчамли ўлчашларнинг вектор-устуни; D_i - $(m \times n)$ ўлчамли маълум коэффициентлар матричаси; $\bar{\delta}_i$ - $(n \times 1)$ ўлчамли аддитив ҳалақит таъсирларининг вектор-устуни.

$\bar{\varepsilon}$ ва $\bar{\delta}$ тасодикий жараёнлар мустақил ўртача қийматлари нолга тенг бўлган $M(\bar{\varepsilon}) = M(\bar{\delta}) = 0$ ва ковариацион матрицалар $M[\bar{\varepsilon}\bar{\varepsilon}^T] = Q$, $M[\bar{\delta}\bar{\delta}^T] = R$ билан номанфий аниқланган симметрик ҳисобланади. Тадқиқ қилинадиган параметрнинг $(i + s, s \geq 1)$ вақт momentiдаги қийматининг башоратини қуйидагича олиш мумкин:

$$\hat{x}_{i+s} = A_{i,i+s} \hat{x}_i^+; A_{i,j+s} = A_{i+s-1,i+s}, A_{i+s-2,i+s-1}, \dots, A_{i,j+1}. \quad (11)$$

Экстраполяцияланган баҳолаш хатолари ковариацион матрица билан тавсифланади:

$$K_{i+S} = A_{i,i+S} K_i^+ A_{i,i+S}^T + \sum_{n=1}^S A_{i+n,i+S} Q_{i+n-1} A_{i+n,i+S}^T. \quad (12)$$

Берилган \hat{x}_0 , K_0 бошланғич баҳоларда ишда оптимал башоратлайдиган дискрет филтер синтезланган:

$$\hat{x}_{i+s} = A_{i,i+s} \hat{x}_i^+; K_{i+s} = A_{i,i+s} K_i^+ A_{i,i+s}^T + \sum_{n=1}^s A_{i+n,i+s} Q_{i+n-1} A_{i+n,i+s}^T; \hat{x}_i^+ + \hat{x}_i + F_i(\bar{z}_i - D_i \bar{x}_i); \quad (13)$$

$$F_i = K_i D_i^T (R_i + D_i K_i D_i^T)^{-1}; K_i^+ = K_i - K_i D_i^T (R_i + D_i K_i D_i^T)^{-1} D_i K_i.$$

Шуни қайд қилиш лозимки, ушбу филтер $\bar{\epsilon}$ ва $\bar{\delta}$ ҳалақит таъсирларнинг тақсимланиш қонунларининг кўринишига ҳеч қандай чеклашларни қўймайди: уларнинг бор-йўғи иккита биринчи бошланғич моментлари берилган бўлиши етарли бўлади. Технологик жараёнларнинг чизиқли тизимлари ва моделлари ҳолатида топилган (13) процедуралар башоратлаш баҳоларининг аниқлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан самарали бўлиб ҳисобланади. Бу филтернинг дискрет вариантыга мурожаат қилиш билан қуйидаги динамик муносабатни кўриб чиқамиз:

$$x_{n+1} = F \cdot x_n + G \cdot u_n, \quad (14)$$

бунда F ва G – мос равишда жараён объектининг ўзини қандай тутиши ва кировчи сигналга қўйиладиган чеклашларни тавсифлайди; $u_n - Q$ ковариацион матрицага ва нолли математик кутилишга эга бўлган мустақил Гаусс тасодифий кетма-кетлиги.

Кузатишлар қуйидаги муносабат билан аниқланади:

$$z_n = H \cdot x_n + v_n, \quad (15)$$

бунда H – x_n ни кузатишларга қўйиладиган чеклашларни тавсифлайди; $v_n - u_n$ га ўхшаш бўлган, R ковариацион матрицага эга бўлган кетма-кетлик.

$X(0)$, бошланғич шарт бўлиб ҳисобланади, бунда $M[x(0)] = x$, $cov[x(0), x(0)] = P_0$. F , G ва H қийматлар вақтда ўзгариши мумкин.

$\hat{x}_i (0 \leq i \leq n)$ баҳоларни олиш масаласи қуйидагича қўйилиши мумкин:

z_1, z_2, \dots, z_n ўлчашлар берилган. Ўлчашларнинг натижалари бўйича $J = \frac{1}{2} [(\hat{x}_{0/n} - \bar{x})^T P_0^{-1} (\hat{x}_{0/n} - \bar{x}) + \sum_{i=0}^{n-1} \frac{1}{2} \{ (z_{i+1} - H \hat{x}_{i+1/n})^T R^{-1} (z_{i+1} - H \hat{x}_{i+1/n}) + (\hat{u}_{i/n})^T Q^{-1} (\hat{u}_{i/n}) \}]$. (16)


чеклашлар амал қиладиган шартларда:

$$\hat{x}_{(i+1)/n} = F \hat{x}_{i/n} + G \hat{u}_{i/n}$$

мезонини минималлаштирадиган $\hat{x}_{i/n} (0 \leq i \leq n)$ баҳоларни аниқлаш талаб қилинади. Масалани ечиш учун (16) мезонини минималлаштирадиган $\hat{x}_{n/n}$ баҳони билиш зарур бўлади. Масаланинг оптимал ечими қуйидаги муносабатлардан фойдаланиш билан олинади:

$$x_{n/n} = F \hat{x}_{n-1/n-1} + P_{n/n} H^T R^{-1} (z_n - H F \hat{x}_{n-1/n-1}); P_{n/n} = P_{n/n-1} - P_{n/n-1} H^T (H P_{n/n-1} H^T + R)^{-1} H P_{n/n-1}, \\ P_{n/n-1} = F P_{n-1/n-1} F^T + G Q G^T. \quad (17)$$

z_i жараённинг башоратладиган ҳолатини олиш учун кўриб чиқишга оширилган ўлчамли янги ўзгарувчилар векторини киритиш ва \bar{x}_{i+s} нинг қийматини топиш етарли бўлади. Олинган \bar{x}_{i+s} вектордан \bar{z}_{i-s} жараённинг қидирилаётган ҳолат вектори ажратилади. Жараён моделининг априор мавҳумлиги шароитларида ихтиёрий ўлчаш вақтига эга бўлган квазиоптимал башоратлайдиган филтърнинг блок-схемаси 1-расмда келтирилган. Ишда объектнинг ўзини қандай тутиши тўғрисида етарлича тақдим қилинган статистик маълумотлар бор бўлган ҳолатлар учун кўп қадамли динамик филтърлаш масаласининг оптимал ечимини олиш имконини берувчи ўзаро муносабатлар таҳлил қилинган. Олинган натижаларни қўллаш учун c_n ҳолат векторидаги таркибий қисмларнинг сонини p_n гача ошириш зарур бўлади, бу филтърнинг тенгламаларида ҳам, узатиш матрицаси ва корреляцион матрицаларнинг тенгламаларида ҳам ҳисоблашларнинг ҳажми ортишини билдиради. Масалан, \bar{x} ҳолат вектори ўн ўлчамли, ўлчаш вектори эса икки ўлчамли бўлса ($n=10$ ва $m=2$), динамиканинг мавжуд чизикли тенгламасида узатиш матрицаси 10×2 ўлчамга эга бўлади ва уни тасвирлаш учун 20 та элемент талаб қилинади. Шунда унинг корреляцион матрицалари 10×10 ўлчамга эга бўлади ва уларнинг ҳар бирини тасвирлаш учун $10 \times 11 / 2 = 55$ та элемент талаб қилинади. Ҳолат векторини кенгайтиришнинг кўриб чиқиладиган процедурасида (масалан, филтърнинг тартиби $p=4$ бўлганда) узатиш матрицаси $pn \cdot m = 40 \cdot 2$ ўлчамга эга бўлади ва 80 та элементни ўз ичига олади, корреляцион матрицалар эса $40 \cdot 40$ ўлчамга эга бўлади ва ҳар бири $40 \cdot 41 / 2 = 820$ тадан элементни ўз ичига олади.



1-расм. Квазиоптимал олдиндан айтувчи филтър алгоритмининг схемаси.

Ҳар бир матрицадаги элементларнинг сони қарийб 15 мартага ошади.

Калманов типдаги оптимал филтърни таҳлилий конструкциялаш башорат қилинадиган жараёни ҳолат вектори баҳоларининг умумлаштирилган дисперсиясининг минимуми бўйича (ковариацион матрица изининг минимуми) оптимал баҳолаш ва объектнинг кузатилмайдиган параметрларини олдиндан айтиш алгоритмини қуриш имконини берган.

Объектнинг тасвирланишида априор маъхумлик бор бўлганда кейинги ҳар бир квантлаш интервалида (оралиғида) унинг ҳолатини олдиндан айтиш учун квазиоптимал башоратлайдиган филтърни синтезлаш масаласи ҳал қилинган. Башоратлаш масаласи ихтиёрий берилган ўлчаш интервалига эга бўлган жараённинг параметрларини топишни кўзда тутадиган ҳолат учун предикаторли квазиоптимал башоратлайдиган филтърнинг умумлаштирилган формаси олинган.

Ишда ноаниқ муҳитда дискрет технологик бошқариш объектларининг ҳолати ва параметрларини баҳолаш учун модификацияланган филтър синтезланган. Датчикдан олинган маълумотларнинг энг яхши филтърлашни таъминлайдиган N сонини мослаштириш учун Н.П.Деменков ва И.А.Мочалов томонидан таклиф қилинган “Агар ўртача квадратик хатоликнинг γ катталиги филтърлашда “жуда катта” ва моделнинг хатолигининг δa_0 катталиги “жуда кичик” бўлса, у ҳолда кейинги циклда ўлчашлар сонини анчагина ошириш зарур бўлади” типдаги ноаниқ фикрлар кўринишидаги қоидалардан фойдаланилган. Бу ноаниқ фикрга қуйидаги қоида мос келади: $if \gamma = PL \text{ and } \delta a_0 = NL \text{ then } N = PL$. Лингвистик ўзгарувчилар белгиларининг тармоғи учун қоидалар γ ўртача квадратик хатоликлар матрицаси кўринишида берилган:

	NL	NM	NS	ZR	PS	PM	PL
NL	*	*	*	*	*	*	PL
NM	*	*	*	*	*	PM	*
NS	*	*	*	*	PS	*	*
ZR	*	*	*	ZR	*	*	*
PS	*	*	NS	*	*	*	*
PM	*	NM	*	*	*	*	*
PL	NL	*	*	*	*	*	*


Матрицанинг * элементлари бўш бўлиб ҳисобланади. γ , δa_0 ва N параметрлар учун тегишлилик функциясининг формаси (шакли) моделлаштириш натижалари бўйича аниқлаштирилади. Датчикдан келадиган сигнални рақамли сигналга айлантириш билан мос келувчи панжарасимон функцияга эга бўламиз, унга y^T ўлчашлар вектори мос келади. $y(t)$ ҳалақит берувчига нисбатан математик кутилиш ва ҳалақит таъсирларнинг маълум дисперсиясининг нолга тенглиги бошланғич шarti бажарилади деб тахмин қилинади. Қадамнинг вақт бўйича белгиланган катталигида кирувчи параметрларни аппроксимациялашнинг энг кичик хатосига эришилади.

Таклиф қилинган тизим қуйидагича ишлайди: баҳолагич баҳолаш momentiда ҳалақит таъсирларга тортилган барча y ўлчашлар асосида

бошқариш тизимининг берилган қисмининг ҳақиқий ҳолатининг баҳосини беради. Бу баҳодан сўнгра ростлагичда тизимнинг бошқариладиган қисмига қабул қилинган самарадорлик мезони максимал қийматни қабул қиладиган қилиб таъсир кўрсатувчи N , бошқарувчи таъсирни ҳисоблашда фойдаланилади. Бу ҳолда ҳолатнинг баҳоси ҳар бир вақт моменти учун берилган вақт моментида амалга ошириладиган барча ўлчашлар ва бошқаришлар билан шартланадиган максимал ҳақиқатга ўхшашлик баҳоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Барабанли грануляцион қуритгичда минерал ўғитларни қуриштириш ва гранулалаш жараёнларини такомиллаштирилган бошқариш”** деб номланган тўртинчи бобида такомиллаштирилган бошқариш тизимларини қуриш тамойиллари кўриб чиқилган ва рационал бошқариш усули ҳамда мослашувчан бошқариш тизимининг тузилишини танлаш амалга оширилган. “Аммофос-Максам” АЖ да (Олмалиқ шаҳри) барабанли грануляцион қуриштириш аппаратларида пульпани буғлатиш, қуриштириш ва гранулалаш йўли билан аммофос ишлаб чиқариш схемаси таҳлил қилинган. Барабанли грануляцион қуриштириш қурилмасини унда мослаштириладиган параметрларга эга бўлган бошқариш тизимининг моделдан фойдаланиладиган мослашувчан бошқариш тизимини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган (2-расм).

Тизим иккита бошқариш контурини ўз ичига олади: асосий контур (бошқариш объекти, бошқариш қурилмаси, ўлчагич-қайта шакллантиргич ва ижро қилувчи механизмдан ташкил топади) ва ўз-ўзини шайлаш контури. Бу контурга бошқариш объектини моделлаштириш тағтизими ва ўлчагич-қайта шакллантиргич датчикнинг қабул қилувчи элементи, шунингдек, бошқарувчи қурилманинг параметрларини шайлаш тағтизими киради.



2-расм. Барабанли грануляцион қуриштиришни мослашувчан автоматик бошқариш тизимининг функционал схемаси.

Намлик датчигининг қабул қилувчи элементини моделлаштириш зарурлиги ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган намлик ўлчагичнинг мукамал эмаслиги билан боғланади, у $y(t)$ бошқариладиган катталикни ўлчашдаги динамик хатоларнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Моделлаштириш бу ўлчаш хатоларини ҳисобга олиш ва ўлчашнинг оғишмаган қийматини олиш имконини беради.

Кўриб чиқиладиган бошқариш тизимини куйидагича ифодалаш мумкин:

$$\dot{x} = Ax + Bv + Cf, \quad y = \psi_y(x, v, f), \quad (18)$$

